

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРAT БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

М.Одилов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

Д.Ергашева

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

мазкур мақолада ўзбекистонда банк хизматлари соҳаси бошқа тармоқ ва соҳалар билан таққосланганда рақобатнинг юқори даражаси билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда банклар томонидан таклиф қилинаётган турли хил инновацион маҳсулотлар, қулай мобил иловалар, дастурлар, онлайн хизматлар, жозибадор тўлов усуллари ва омонатлар турлари миждозларни жалб қилиш, уларнинг сонини ошириш ва банк соҳасида етакчиликни қўлга киритиш мақсадида амалга оширилмоқда. Аммо буларнинг барчаси банклар томонидан молиялаштириши зарур бўлган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, махсус мутахассисларни жалб қилиш, тажриба-синовларни ўтказишни тақозо этмоқда. Ундан ташқари, турли хил кибер таҳдидлар ҳам банкларда махсус изланишлар, қўрилмалар, химоя чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Юқори рақобат шароитида республикамиз банкларида инновацион фаолиятни молиялаштириш муаммоси юзага келди. Банк раҳбарияти олдида инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича дастурни қабул қилиш ва унинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш вазифаси кун тартибида ўрин олмоқда.

Таянч сўзлар: ўзбекистонда банк хизматлари, саноат корхоналари, қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Ўзбекистонда банк хизматлари соҳаси бошқа тармоқ ва соҳалар билан таққосланганда рақобатнинг юқори даражаси билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда банклар томонидан таклиф қилинаётган турли хил инновацион маҳсулотлар, қулай мобил иловалар, дастурлар, онлайн хизматлар, жозибадор тўлов усуллари ва омонатлар турлари миждозларни жалб қилиш, уларнинг сонини ошириш ва банк соҳасида етакчиликни қўлга киритиш мақсадида амалга оширилмоқда. Аммо буларнинг барчаси банклартомонидан молиялаштириши зарур бўлган

илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, махсус мутахассисларни жалб қилиш, тажриба-синовларни ўтказишни тақозо этмоқда. Ундан ташқари, турли хил кибер таҳдидлар ҳам банкларда махсус изланишлар, қўрилмалар, химоя чора-тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Юқори рақобат шароитида республикамиз банкларида инновацион фаолиятни молиялаштириш муаммоси юзага келди. Банк раҳбарияти олдида инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича дастурни қабул қилиш ва унинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш вазифаси кун тартибидеда ўрин олмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70фоизгача ошириш” [1] вазифаси белгиланган бўлиб, рақамлаштириш жараёнларини ҳам мамлакат даражасидаги инновация сифатида тарифласак бўлади. Рақамлаштириш билан боғлиқ харажатлар одатда соф фойда ҳисобидан амалга оширилади. Лекин жаҳон амалиётида акцияларни қўшимчачиқариш, халқаро ташкилотлар, венчур фондлар маблағларини жалб қилиш орқали ҳам ушбу жараёнлар молиявий қўллаб-қувватланади.

Тижорат банкларининг инновацион фаолияти банк мижозларининг эҳтиёжларини тўлиқ ва ўз вақтида қондириш, бу борада хизмат кўрсатиш сифати ва қулайлигини яхшилаш орқали банк рақобатбардошлигини ошириш, банк хизматларини диверсификация қилиш асосида банк молиявий кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган. Аммо шуни инобатга олиш лозимки, инновацион фаолият юқори риск даражасига эга бўлиб, унга сарфланган маблағлар доим ҳам кутилган самарани бермайди. Чунки инновацион маҳсулотлар бозорда синалмаган ҳисобланади, уларнинг қоплашмуддати, бозор рекцияси, олиндиған фойдани аниқ башорат қилиш жуда мушкул, ва киритиш даврида мижозларнинг ишончини қозониш учун вақт талаб этилади.

Инновацияларнинг турлари ичида банк соҳасида маркетингга оид инновациялар ва жараёнга оид инновациялар муҳим аҳамият касб этади.

Маркетингга оид инновациялар маҳсулотларнинг дизайни ва қадоқларидаги ўзгаришларни қамраб олувчи янги ёки такомиллаштирилган усулларни жорий этишга, хизматларни сотиш ва тақдим этишнинг янги усулларида фойдаланишга, янги нарх стратегияларини шакллантиришга қаратилган инновациялар ҳисобланади. Жараёнга оид инновациялар эса техник ва технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган ишлаб чиқариш ёхуд таълим усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, шунингдек технологиялар трансферини амалга оширишга қаратилган инновациялар тушунилади [2].

Бу борада жаҳон амалиётида кенг тарқалган ритейл хизматларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ривожланган давлатларда банклар ритейл орқали хизматларни пировард истеъмолчига кўрсатадилар ва бу ташкилотнинг молиявий ўсишининг энг муҳим омиллари ҳисобланади, чунки қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имконияти яратади.

Ритейл хизматларини ривожлантириш бозор имкониятларини таҳлил қилиш, бозорни сегментларга ажратиш ва мақсадли гуруҳни аниқлаш, инновацион хизматларни ишлаб чиқиш, сотиш стратегияларини қабул қилиш, нархларни шакллантириш, хизматларни оммалаштириш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини рағбатлантириш каби ишларни ўз ичига қамраб олади. Бунда мижозларга уларнинг ёши, фаолият тури, эҳтиёжлари, истакларини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатилади.

Инновацияларга бўлган эҳтиёжни банк фаолиятини қуйидаги мезонлар бўйича баҳолаш асосида аниқлаш мумкин: мижозларга хизмат кўрсатиш давомийлиги, банк операцияларининг тезлиги, хизмат ҳақи, банк томонидан хизмат кўрсатишнинг ҳудудий тузилмаси,

ходимларнинг банкдаги турли хил янгиликлар ва акциялар билан таништириш учун сарфлайдиган вақти ва бошқалар. Мазкур кўрсаткичлар турли банкларда таққосланганда қайси банк инновацияларга муҳтож эканлиги аниқлаб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларда Инновацион ривожланиш стратегиясига биноан “стартap ташаббуслар ва лойиҳаларни молиялаштиришнинг замонавий механизмларини (венчур, краудфандингқаби) шакллантириш, рақобат муҳитига асосланган соддалаштирилган молиялаштириш тадбирларини кенгайтириш (бўлажак олим, ҳакатон танловлари, техновейс марафонлари қаби) чора-тадбирлар амалга ошириш белгиланган [3]. Банк фаолиятига инновацияларни жорий этиш мамлакатимизда банк бизнеси ва рақамли муҳитни ўз ичига олган ягона рақамли маконни яратишга имкон беради деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июльдаги ЎРҚ-630-сон “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/4910391>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июльдаги ПФ- 165-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6102462>.